


Рамазон ойи рўзаси футболчиларга қандай таъсир қилади?



18:20 / 11.04.2023 1027

«Реал» ҳимоячиси Антонио Рюдигер Ислом динидаги фарз амаллар футболчи сифатида унга ҳеч қандай муаммо яратмаслигини айтди.

«Рамазон ойи рўзаси футболчиларга қаттиқ таъсир қиладими? Менга эмас, мен ўрганганман. Машғулотларда осон бўлмайди, аммо қалбингга қулоқ тутсанг, бас.

Менталитет – мендаги асосий қуроллардан, Рамазон ойида рўза тутиш мен учун муаммо эмас. Парҳезшунос билан доимий алоқадаман, бу мен учун муҳим. Нима овқат ейиш, қанча суюқлик ичишни яхши биламан. Неча маҳал намоз ўқийман? Беш вақт», - дейди германиялик ҳимоячи.

Маълумот учун, Антонио Рюдигер жорий мавсум Ла Лигада 24 ўйинда битта голга муаллифлик қилган.

Манба: tribuna.uz